

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Микрокредитбанк” АТБ
Амалиёт бошқармаси
бошлиғи


_____ Ш. Холиков

_____ 2021 й.

**“Микрокредитбанк” АТБ Амалиёт бошқармаси қошида ташкил
этилган “Янги хаёт” банк хизматлари маркази маъмурий биносини
замонавий кўринишда таъмирлаш ва жихозлаш бўйича**

ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ

Буюртмачи: “Микрокредитбанк” АТБ

Тошкент – 2021 й.

МУНДАРИЖА

- I. Электрон Танлаш иштирокчиси учун йўл-йўрик.**
- II. Электрон Танлашнинг техник қисми.**
- III. Электрон Танлашнинг нархига оид қисми.**
- IV. Шартнома лойиҳаси.**

I. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎЛ-ЙЎРИҚ

- 1 Умумий қондалар.**
- 1.1 Мазкур Танлаш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни (кейинги ўринларда – Қонун) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
- 1.2 Танлаш предмети: “Микрокредитбанк” АТБ Амалиёт бошқармаси қошида ташкил этилган “Янги ҳаёт” банк хизматлари маркази маъмурий биносини замонавий кўринишда таъмирлаш ва жихозлаш.
- 1.3 **Танлашнинг максимал қиймати**
287 952 534 (икки юз саксон етти миллион тўққиз юз эллик икки минг беш юз ўттиз тўрт) сўмни ташкил қилади.
Танлаш таклифида кўрсатилган нархлар охириги қийматдан юқори бўлмаслиги керак.
- 1.4 “Микрокредитбанк” АТБ Амалиёт бошқармаси қошида ташкил этилган “Янги ҳаёт” банк хизматлари маркази маъмурий биносини замонавий кўринишда таъмирлаш ва жихозлаш бўйича ташкилотни аниқлашда топшириқлар техник топшириқда келтирилган.
- 1.5 Танлаш комиссияси йиғилиши шакли – электрон порталорқали.
- 2 Танлаш ташкилотчиси**
- 2.1 “Микрокредитбанк” АТБ Бош офиси Танлаш буюртмачиси (кейинги ўринларда “Буюртмачи”) ҳисобланади.
Буюртмачи манзили: 100096, Тошкент ш., Лутфий кўчаси, 14.
- 2.2 Ташкилотчининг мулоқот қилувчи шахси: М.Насруллаев тел.: (99871) 207-46-51 (1460)
- 2.3 “Микрокредитбанк” АТБ Бош офиси Танлаш комиссияси Танлаш буюртмачиси (кейинги ўринларда “Ишчи орган”) ҳисобланади.
Буюртмачи манзили: 100096, Тошкент ш., Лутфий кўчаси, 14.
- 2.4 Танлаш Буюртмачи ташкил қилган камида беш кишидан иборат таркибдаги Танлаш комиссияси томонидан ўтказилади.
- 3 Танлаш иштирокчилари**
- 3.1 “Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда харид қилиш тартиб-таомилида давлат харидларини ижро этиш учун талабгорлар сифатида иштирок этаётган Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси (бундан буён матнда иштирокчи деб юритилади) бўлиши мумкин” (4.2-бандда келтирилган талабгорлар бундан мустасно).

- 4 Танлашни ўтказиш шартлари**
- 4.1 Танлашда иштирок этиш учун, Танлаш иштирокчиси қуйидагиларни амалга ошириши лозим:
- а) Танлаш шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган Танлаш ҳужжатларининг электрон нусхасини олиш (кўчириш);
 - б) Танлаш ҳужжатлар шартларига мувофиқ Танлаш ҳужжатларини топшириш.
- 4.2 Қуйидаги иштирокчиларнинг Танлашда қатнашишига йўл қўйилмайди:
- қайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик босқичини бошидан кечираётган;
 - «Буюртмачи» билан судда ёки ҳакамлик судда тортишаётган;
 - Ноҳалол ижрочиларнинг ягона рўйхатига киритилган;
 - солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги бор;
 - имтиёзли солиқ режимини берувчи ва/ёки молиявий амалиётларни ўтказишда маълумотларни ошкор қилиш ва беришни кўзда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор зоналар) рўйхатдан ўтган ва банк ҳисобрақамларига эга бўлган.
- 4.3 Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид қилиш таомилида иштирок этишдан четлаштиради:
- Иштирокчи тўғридан тўғри ёки воситали тарзда буюртмачининг, ёки бошқа давлат органининг ҳозирги мансабдор шахсига ёки собиқ ходимига давлат харидлари жараёнида бирон-бир ҳаракатни амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки бирон-бир Танлаш таомилини қўллашга таъсир кўрсатиш мақсадида ҳар қандай шаклдаги мукофот, ишга олишни ёки ҳар қандай қимматбаҳо буюм ёки хизмат кўрсатишни таклиф қилган, берган ёки бунга рози бўлган тақдирда;
- иштирокчи адолатсиз Танлаш устунлигига эга бўлса ёки қонунга зид бўлган манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлса.
- 5 Танлаш тили.**
- 5.1 Танлаш таклифи, иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган у билан боғлиқ бўлган барча ёзишмалар, ҳужжатлар ўзбек ва рус тилида бўлиши керак.
- 6 Танлаш таклифи ва уни расмийлаштириш тартиби**
- 6.1 Танлаш иштирокчилари, мазкур Танлаш ҳужжатларни ўз ичига олган таклифларини эълонда белгиланган тартибда электрон кўринишда ўзларининг шахсий кабинетлари орқали кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим қилади.
- 6.2 Иштирокчининг Танлаш таклифининг ажралмас қисми бўлган электрон ҳужжатлар оператор томонидан белгиланган форматларда тақдим этилади. Ҳар бир жойлаштирилган электрон ҳужжат иштирокчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

камида ўн кунга узайтирилади.

Айни пайтда эълонда кўрсатилган маълумот ўзгартирилган тақдирда, Танлашни ўтказиш ҳақидаги эълонга ҳам ўзгартишлар киритилади.

9 Танлаш таклифларини кўриб чиқиш ва уларни баҳолаш мезонлари

- 9.1 Танлаш иштирокчилари таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати Танлаш таклифлари берилиши якунланган санадан бошлаб ўн кундан ошмаслиги керак.
- 9.2 Танлаш таклифининг техник қисмини миқдорий кўрсаткичларга асосан баҳолаш, шунингдек таклифнинг нарх қисмини баҳолаш электрон тизим томонидан автоматик равишда амалга оширилади.
- Миқдор кўрсаткичларига эга бўлмаган таклифнинг техник қисмининг мезонлари (эксперт мезонлари) бўйича иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва таққослаш харид комиссияси томонидан овоз бериш орқали амалга оширилади.
- Танлаш ҳужжатлари шаблонларини тўлдиришда миқдорий (ўлчов бирлигини белгиланган ҳолда) ва эксперт мезонларни харид комиссияси тасдиқлайди.
- 9.3 Танлаш иштирокчиси тақдим қилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг сохталиги аниқланса, Танлаш комиссияси бундай иштирокчини Танлашда иштирок этишдан четлаштиришга ҳақли.
- 9.4 Танлаш ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб электрон тизим автоматик равишда:
- Танлаш таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра электрон Танлашда иштирок этишни давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини ғолиб сифатида аниқлайди.
- Икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил нарх таклиф қилган бўлса, Танлаш таклифини барчадан олдин жойлаштирган иштирокчи ғолиб деб топилади.
- 9.5 Таклиф Қонун, қарор ва Танлаш ҳужжатлари талабларига жавоб берса, тегишли тарзда расмийлаштирилган, деб ҳисобланади.
- 9.6 Танлаш комиссияси таклифни берган Танлаш иштирокчиси Қонун, қарор ва Танлаш ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса, ёки Танлаш иштирокчисининг таклифи Танлаш ҳужжатлари талабларига мос бўлмаса, таклифни рад этади.
- 9.7 Танлаш таклифларини баҳолаш жараёнида Танлаш комиссияси Танлаш иштирокчиларидан уларнинг Танлаш таклифлари бўйича тушунтиришлар сўраб олишга ҳақли. Ушбу таомил расмий равишда, ёзма шаклда Танлаш иштирокчилари орқали ўтказилади. Тушунтириш жараёнида таклифни мазмуни, шунингдек нархи бўйича бирон-бир ўзгартиш киритилишига йўл қўйилмайди.

- 9.8 Агар Танлаш иштирокчилари Танлаш таклифларини турли валюталарда кўрсатса, таклифлар суммалари уларни баҳолаш пайтида таклифлар кўрилган сана бўйича Танлаш таклифининг нархга оид қисми билан бирга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича ягона валютада ҳисоб-китоб қилинади.
- 9.9 Танлаш ҳужжатлари ва таклифларида кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни таклиф қилган Танлаш иштирокчиси қолиб деб топилади.
- 9.10 Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлган тақдирда Танлаш комиссияси, бу ҳақда Танлаш иштирокчисини хабардор қилгани ҳолда, Танлаш таклифини рад этишга ёки уларни келгусида кўриб чиқиш бўйича бошқа шартларни белгилашга ҳақли.
- 9.11 Танлашнинг хорижий ва мамлакатдаги иштирокчилари нархларини адолатли таққослаш мақсада, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатларда, баҳолаш пайтида тегишли харажатлар (солиқлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбуриятлар) ҳисобга олинади.
- 9.12 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш баённомаси Танлаш комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади, ва ундан кўчирма у имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида махсус ахборот порталида чоп этилади.
- 9.13 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш баённомаси эълон қилинганидан сўнг Танлашнинг ҳар қандай иштирокчиси буюртмачига Танлаш натижаларини тушунтириш бўйича сўров юборишга ҳақли. Бундай сўров келиб тушган пайтдан бошлаб уч иш куни давомида Танлаш иштирокчисига тегишли тушунтиришлар беришга мажбур.
- 10 **Томонлар маъсулияти ва махфийликка риоя қилиш** 10.1 Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган жавобгарлик қуйидагиларга юклатилади:
келиб тушаётган Танлаш таклифлари ҳисобини юритаётган, уларнинг бутлиги ва махфийлигини таъминлаётган ишчи орган таркибига кирувчи шахслар,
комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек Танлаш таклифларини ўрганиш учун ташкил қилинган ишчи гуруҳ аъзолари маълумотларни ошкор қилиш, иштирокчилар, комиссиянинг бошқа аъзолари ва жалб қилинган экспертлар билан тил бириктиришга йўл қўйиш, шунингдек бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатлар учун.
шартнома бўйича мажбуриятларни (миқдор, сифат ва техник кўрсаткичлар бўйича) бажармаган Танлаш қолиби, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва ёки тузилган шартномада кўзда тутилган тарзда жавобгар ҳисобланади.
- 11 **Бошқа шартлар** 11.1 Танлашда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган Танлаш ҳақида тушунтиришлар олиш учун ишчи органга мурожаат қилишга ҳақли.
- 11.2 Танлаш иштирокчиси буюртмачига Танлаш ўтказилиши ҳақидаги эълонда келтирилган шаклдаги Танлаш ҳужжатлари қодалари бўйича тушунтиришлар бериш ҳақида сўров юборишга ҳақли. Ушбу сўров буюртмачига

12 Шартнома тузилиши

таклифлар берилиши якунланиши санасидан камида икки кун аввал келиб тушган тақдирда буюртмачи кўрсатилган сўров келиб тушган санадан бошлаб икки иш кун и давомида белгиланган шаклда Танлаш ҳужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар юборишга мажбур. Танлаш ҳужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар унинг мазмунига зид бўлмаслиги керак.

11.3 Қуйидаги ҳолларда Танлаш комиссияси Танлашни бўлиб ўтмаган деб эълон қилиши мумкин:

Танлашда битта иштирокчи иштирок этган ёки ҳеч ким иштирок этмаган тақдирда;

таклифларни кўриб чиқиш якунлари бўйича Танлаш комиссияси барча таклифларни Танлаш ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги туфайли рад этган тақдирда.

11.4 Ғолиб чиққан таклиф акцентигача буюртмачи исталган пайтда Танлашни бекор қилиши мумкин. Танлаш бекор қилинган тақдирда буюртмачи махсус ахборот порталида бундай қарорнинг асосли сабабларини чоп этади.

12.1 Танлаш натижаларга кўра шартнома у билан шартнома тузилаётган Танлаш иштирокчиси томонидан тақдим қилнаётган Танлаш ҳужжатлари ва таклифларида кўрсатилган шартларда тузилади.

12.2 Танлаш комиссияси томонидан ғолиб деб топилган Танлаш иштирокчиси буюртмачидан тегишли ёзма хабарнома олади.

12.3 Танлаш ғолиби Танлаш шартлари бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, шартнома тузиш ҳукуқи захирадаги ижрочига ўтади. Бунда захирадаги ижрочи Танлаш ғолиби таклиф қилган нархларда шартнома тузиши ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

II. ТЕХНИК ШАРТЛАР:

“Микрокредитбанк” АТБ Амалиёт бошқармаси қошида ташкил этилган “Янги хаёт” банк хизматлари маркази маъмурий биносини замонавий кўринишда таъмирлаш ва жихозлаш бўйича Танлаш иштирокчиларига қўйилган
ТАЛАБЛАР

№	Иштирокчилар учун талаблар	Талаблар қиймати
1	Тегишли гувоҳномага эга бўлиши лозим.	Маънали
2	Корхона тўғрисида умумий маълумот бериши керак.	Маънали
3	Шартнома тузиш бўйича қонуний ҳуқуқга эга бўлиши лозим.	Маънали
4	Корхонага нисбатан банкротлик таомили киритилмаган бўлиши лозим.	Маънали
5	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги мавжуд бўлмаслиги лозим.	Маънали
6	Асосий ҳисобрақами мавжуд банкдан ҳужжатларни тақдим этиш санасига ҳисобрақамига тақиқ қўйилмаганлиги ва ҳисобрақами ҳаракатда эканлиги бўйича маълумот бериши лозим.	Маънали
7	“Инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхати”да бўлмаслиги лозим.	Маънали
8	“Микрокредитбанк” АТБга мулкый муносабат орқали боғлиқ бўлмаслиги лозим.	Маънали
9	Иштирокчи камида 2 йиллик иш тажрибасига эга эканлиги	Маънали
10	Иштирокчи охириги 2 йил ичида республика банклари ўртасида камида 3 та банклар билан 10 тадан кам бўлмаган қурилиш ишларини амалга оширган бўлиши керак	Маънали
11	Иштирокчи ишларни амалга ошириш учун моддий техник базага эга бўлиши керак	Маънали
12	Иштирокчи қурилиш пудрат ташкилотлари электрон рейтингида кўрсаткичи “СС”дан кам бўлмаслиги керак.	Маънали

III. НАРХГА ОИД ҚИСМИ

1. Танлаш нархи:

№	Ишнинг номланиши	Асосий воситалар сони	Энг юқори нархи	Бажариш муддати
1	“Микрокредитбанк” АТБ Амалиёт бошқармаси қошида ташкил этилган “Янги ҳаёт” банк хизматлари маркази маъмурий биносини замонавий кўринишда таъмирлаш ва жихозлаш		287 952 534 сўм ҚҚС билан	30 кун

1. Молиялаштириш манбаи: “Микрокредитбанк” АТБнинг ўз маблағлари ҳисобидан.
2. Тўлов шартлари: 15% аванс, қолгани ишни бажаргандан сўнг акт асосида.
3. Тўлов валютаси: сўм.
4. Танлаш савдолари муддати: 5 кун.

Амалиёт бошқармаси етакчи ундирувчиси



К.Шаалимов

Бош бухгалтер



М.Машарипов